

ҲОМЕРНИНГ “ИЛИАДА” ДОСТОНИДА УЧРАЙДИГАН МАҚОЛ ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР

Нуриддин Очилович Юсупов

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ҳомернинг “Илиада” достонлари учун хос бўлган мақол ва мақол даражасидаги қанотли иборалар ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари айрим идиомалар ва идиоматик ибораларнинг пайдо бўлиш жараёни ҳақида ҳам маълум мулоҳазалар берилган. Н.Гнедичнинг қадимий юнон тилига тегишли бўлган, “Илиада”да ишлатилган офоризм ва идиоматик сўзларнинг рус тилига ва ундан ўзбек тилига қилдинган таржималари ҳақида ҳам лингвистик ва лиенгвопоэтик таҳлилларга ўрин берилган.

Калит сўзлар: Фразеологизм, идиомалар, Зевс, эпос, фольклор, мифология, эпиграмма, Ҳектор, Ахиллес.

PROVERBS AND PHRASEOLOGISM IN HOMER'S ILIADA

ABSTRACT

This article discusses idioms and catchphrases typical of Homer's Iliad epic. There are also some considerations about the process by which certain idioms and idioms arise. There are a linguistic and linguopoetic analysis of N. Gnedich's translations of aphorisms and idiomatic expressions from the original language, that is, from the ancient Greek language of the Iliad into Russian, and then from Russian into Uzbek.

Keywords: Phraseology, idioms, Zeus, epic, folklore, mythology, epigram, Hector, Achilles.

КИРИШ

Достонда мақолларни ва ёки мақол даражасига етиб қолган ибора-идиомаларни ҳам баъзида учратишимиз мумкин, бироқ, аслида “Илиада”да мақоллар ёки мақол даражасидаги сўз бирикмаларидан пайдо бўлган иборалар – фразеологизмлар ва идиомалар унчалик ҳам кўп эмас. Мисол учун, қадимги юнонларда масалан, “келажак тақдир худди шамшир тиғига илингандек

омонатдир” - деган мақол бўлган. Бу мақол рус тилида қуйидаги каби жаранглайди: “На вечном острии распростерта или погибель... или спасение...”

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кўриб турибсизки, ушбу мақол таржимаси сираям рус тилидаги вариантдан кам эмас. Бу ерда биринчидан рус таржимони Н.И.Гнедичнинг оригинал тилни қанчалик пухта ўзлаштиргани кўринса, иккинчидан ўзбек таржимони Қодир Мирмуҳамедовнинг ҳам маҳорати номоён бўлиб турибди. “Илиада” поэмасининг рус тилидаги таржима вариантыга берилган изоҳда ушбу мақолга алоҳида тўхтаб ўтилган. Шунингдек, худди шу каби изоҳ ўзбек тилидаги таржимада ҳам мавжуд. Шу сингари мақолларнинг яна бири рус тилида ушбу кўринишда келган:

“Скройся в толпу; предо мною не стой ты, пока над тобою

Горе еще не сбылося! Событие зрит и безумный!”

Адбатта, ҳар иккала, яъни ўзбек ва рус тиллардаги таржима китобларнинг охирида изоҳлар берилган бўлиб, унда қадимги юнонларда шундай мақол бўлганлиги изоҳланган. Мақол ифода қилинган мисраларнинг ўзбек тилидаги таржимаси:

“Кўз олдимда турма, йўкса бошингга шум фалокат тушгай!

Бошга тушган фалокатни мушоҳада қилур аҳмоқ ҳам”

“Илиада” достони шеърый йўл билан ёзилган эпик асар. Шубҳасиз, унда баён услуби кучли. Воқеалар худди насрий китоблардаги каби баёний хусусиятга эга. Унда образ ҳам, портрет ҳам, манзара, характер ҳам ўзига хос тарзда, маълум кетма-кетликда ифода қилинган. Достон саҳифаларига битилган воқеаларини ўқиб чиқар экансиз, шу нарсага амин бўлиш мумкинки, ҳар бир манзара, ҳар бир тавсиф, таъриф ўз маромида, ўз ўрнида, айти пайтда реал тасвирга эга. Таржиманинг муваффақияти сабабли кишида худди азалдан ўзбек тилида битилган каби тасаввур пайдо қилади, яъни унинг аввал бошқа тилда мавжуд бўлганлиги эсингизга ҳам келмайди.

“Илиада”да уни мутоалаа қилувчи китобхонлар баъзан тушунмайдиган мифологик номлар, воқеа-ҳодисалар жуда кўп. Таржимон бунини эътиборга олиб илмий асосланган ва Юнон мифологиясини изоҳлаб берадиган махсус илова, шунингдек нотаниш сўзларнинг шарҳини ҳам берган. Бундай қулайликлар асарнинг мағзини тушунишга ёрдам беради. Шубҳасиз ушбу таржима илҳом, меҳнат ва илмий тадқиқот меваси, кўп йиллик ижодий изланиш самараси. Ўзбек таржимачилик мактаби вакиллари таъкидлаган-ларидек, таржимачиликнинг янги ютуғидир.

Энди қуйида яна бир мақолга диққат қилайлик, ушбу мақол достонда икки маротаба турли ўринларда келтирилган. Жумладан, Н.Гнедич таржимасидаги русча вариантда 17 қўшиқ 514-стих ва 20 қўшиқ 435 стих, лекин ҳар икки ҳолатга битта изоҳ (стр.407;) берилган. Шунингдек достоннинг Қ.Мирмухамедов томонидан қилинган ўзбек тилидаги таржимасида ҳам худди шу тартибдаги қўшиқларнинг мос мисраларида (296-бет ва 337-бет) битта изоҳ билан берилган. Достоннинг Н. Гнедич таржимасида чоп қилинган рус тилидаги изоҳида: «Все это еще в будущем» дейилган бўлса, ўзбек тилидаги муқобилида эса қуйидагича изоҳ берилган, яъни унда:“ҳали буни келажак кўрсатади, худо билади”, деган маъно мужассам. Энди, юқорида мисол сифатида айтиб ўтилган мисраларга диққат қилинг:

“Впрочем, еще то лежит у бессмертных богов на коленах:

Мчись и мое копие, а Кронион решит остальное!”

Худди шу мисраларнинг ўзбек тилидаги муқобилларига эътибор қаратинг:

“Лекин боқий тангриларнинг этагида ётур бу ҳали

Барибир мен найза отгум, у ёғини Зевс ҳал қилади”.

Албатта ушбу эпос жуда катта ҳажмга эга, бироқ унда берилган мақоллар жуда кам, деярли йўқ ҳисобида, гарчи бунга айрим идиоматик жумлаларни қўшганимизда ҳам шундай хулоса қилишга тўғри келади. Умуман фольклорга оид ёки мифологик асарларда кичик ҳажмдаги ибораларнинг камлиги жамият тараққиётининг маълум ўзига хосликлари билан изоҳланиши мумкин.

Одатда қадимги давр халқ оғзаки ижодининг ривожига айна бир асар ёки эпос таркибидаги учқур ва машҳур иборалардан кўра кўпроқ кичик жанрларнинг яхшигина ривож топганлигини кўриш мумкин. Албатта қатор халқларнинг қадимги адабиётларида латифа, эпиграмма, топишмоқ сингари кичик адабий жанрларга мисолларни кўплаб топса бўлади. Энди катта ҳажмдаги эпик достон саналган “Илиада”даги энг кейинги мақолни бир қараб ўтайлик. Бу мақолнинг матни қуйидагича:

“С зеленого дуба иль с камня...”

“Гапни эман ёки тошдан бошламоқлик...”

Достоннинг йигарма иккинчи қўшиғида келтирилган бу мақолда, ўзига хос воқелик манзарасининг мантиқий хулосаси мавжуд. Бу ерда достоннинг энг қудратли қаҳрамонлари Ҳектор билан Ахиллес ўртасидаги яккама-якка жанг тасвирлари чизилиб берилаётган, ҳар икки қаҳрамонларнинг руҳий психологик ҳолатлари таъкидлаб ўтиляётган пайт. Энди энг кескин паллада бу жангнинг нимадан бошланганлиги, қандай келиб чиққанлигини суриштириб ўтиришнинг

вақти эмаслиги қайд қилинаётир. Шунинг учун ҳам гапнинг нимадан бошлашнинг аҳамияти йўқ бу ерда. Бу ерда қилич ва найза, қалқон ва куч-қудрат гапга киради. Бу ерда ўлим ва ҳаёт ўртасида жанг кетади. Мақол шунинг учун ҳам ниҳоятда ўринли ва ўз жойига тушган.

Достонда мақоллардан ташқари айрим идоматик иборалар ҳам мавжуд, қуйида шундай иборалардан айримларини ҳам рус ва ҳам ўзбек тилларидаги таржима шакллари келтириб ўтаётимиз. “Илиада”нинг ўн биринчи кўшиғида шундай мисралар бор:

“Сильно всегда убеждение друга”.

“Дўст каломин қувваси зўрдир”.

Достоннинг йигарманчи кўшиғидан олинган икки тилдаги иккинчи мисоллар:

“Гибок язык человека; речей для него избыточно”.

“Суяги йўқ дейдилар тилнинг, қаён бурсанг, шуён кетур”.

Маълум бўлаётирки, бундай иборалар ҳам таржима жараёнининг сифатини кўтаришга, ҳам унинг ифодавий жиҳатини ва маъно-мазмунини оширишга хизмат қилар экан.

Чуқурроқ таҳлил ва тасниф қилиш учун “Илиада”да келтирилган мақол ва анчайин бир қаттиқ ибора даражасига етиб қолган сўзларни қараб чиқиш лозим бўлади. Бизни бундай сўзларнинг тузилиши, структураси, шакли ва айрим морфологик парадигмалари қизиқтиради. Бундай мақол ва иборалар одатда, ўз маънида кўп жиҳатларни қамраган бўлади.

Шу нарсани хулоса қилиш мумкинки, таҳлил учун олинган материалнинг деярли ярмини қотиб қолган ифодали сўзлар ташкил қилаётир. Бу ерда фразеологизмларнинг ўзига хос мисолларини кўриш мумкин. Ушбу мисолларда метафоралар учрамайди.

Масалан, “келажак тақдир худди шамшир тиғига илингандек омонатдир”- иборасини фаразан: “тақдир—омонат, шамшир тиғига илинган дай”- деб тушунса бўлади. Чунки бу гап от: (тақдир) ва сифат: (омонат) ва яна равиш:(... илингандай) сўз туркимига кирувчи сўзлардан иборат. Кейинги ушбу:

“Кўз олдимда турма, йўқса бошингга шум фалокат тушгай!

Бошга тушган фалокатни мушоҳада қилур аҳмоқ ҳам” –

мисраларни қараб чиқайлик. Уни фаразан қисқароқ ва оддийроқ қилиб ушбу тарзда тушунишга ҳаракат қилайлик:

“олдимда турма, йўқса, бошинг кетади, буни аҳмоқ ҳам билади”.

Ушбу ифоданинг грамматик тузилиши қуйидагича:

Буйруқ ва шарт майлидаги феъл + кўрсатиш олмоши + от + феъл.

Мавжуд сўз бирикмаларининг дастлабкиси от ва сифат сўз туркимларига тааллуқли сўзлардан иборат. Иккинчи ибора эса феъл ва тушум келишигидаги олмош ва от ҳамда феъл сўз туркимларига оид сўз бирикмасидан иборат. Шу тарика кейинги мисолларни кўриб ўтамиз:

“Лекин боқий тангриларнинг этагида ётур бу ҳали
Барибир мен найза отгум, у ёғини Зевс ҳал қилади”.

Ушбу мисолни фаразан оддийроқ ва қисқароқ тушунсак: “эртага нима бўлади, худо билади” шаклига эга. Унинг грамматик тузилиши, қуйидаги сўз туркимларига оид сўзлардан таркиб топган: олмош + от + феъл. Энди кейинги мисол:

“Гапни эман ёки тошдан бошламоқлик...”

Ушбу мисолнинг грамматик тузилиши: тушум келишигидаги от ва чиқиш келишигидаги феълдан иборат. Навбатдаги мисолни қарайлик:

“Дўст каломин қувваси зўрдир ”.

Ушбу мисолнинг грамматик тузилиши: қаратқич келишигидаги от ва феълдан ташкил топган. Ва ниҳоят сўнги мисол:

“Суяги йўқ дейдилар тилнинг, қаён бурсанг, шуён кетур”.

Ушбу мисолнинг грамматик тузилиши: от+от+жўналиш келишигидаги феълдан иборат.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бундай олиб қараганда, Ҳомернинг “Илиада” достонига тааллуқли юқоридаги баъзи сўз бирикмалари грамматик жиҳатдан олмош + от + феълнинг қўшилиувидан тузилган бўлса, кейинги идиома тушум келишигидаги от ва чиқиш келишигидаги феълдан иборат. Шунингдек, навбатдаги мисол учун олинган ибора: қаратқич келишигидаги от ва феълдан ташкил топган. Охирги ибора эса грамматик тузилишига биноан: от ва жўналиш келиши-гидаги феълдан иборат.

Яна таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз ифода услубига кўра, мавжуд фразеологик бирликлар феъл ва бошқа сўз туркимидаги сўз бирикмаларининг қўшилишидан пайдо бўлган.

Одатда фразеологизмлар маълум бир тилга оид бўлиб, нисбатан шаклланиб улгирган сўз бирикмаларидан иборат бўлади, унинг маъноси эса баъзида шу ибора таркибига кирган сўзлар воситасида аниқланади. Фразеологизмлар одатда семантик жиҳатдан бус-бутун шаклда ишлатилади, улар бўлиниб кетмайди.

Турли лингвист олимлар фразеологизмлар ва уларнинг хоссаларини ҳар хил тарзда талқин этадилар, бироқ уларнинг умумий жиҳатлари қуйидагича: улар қайта тикланади, улар таркибидаги сўзлар қотиб қолганлилик хусусиятига эга, шунингдек, шаклидан фарқли равишда кўра ўзгача маъно бера олишлиги ва айна маълум бир тилга мансублиги ва шу кабилар.

Умуман олганда фразеологизмлар таркибига идиомаларни, сўз оборотларини, (яъни: маъноси ўзгача бўлган ва баъзан тарвақайлаган сўзлар), фразеологик бирикмалар ва бирликларни киритишимиз мумкин.

“Илиада”дostonининг 1960 йилда чоп қилинган нашрига ёзган сўзбошисида ҳомершунос олим И.Шталь қуйидагича фикр билдиради: “Ҳомер “Илиада” дostonининг таржимаси рус шоири Н.И.Гнедич томонидан амалга оширилган. Таржимон ушбу дoston таржимаси устида қарийб йигарма йил ишлаган ва фақат 1829 йили уни тугатган. У дostonнинг қадимги оригинал тили бўлмиш юнон тилини олдин ўрганган ва шундан кейин таржима ишига жуда катта қунт ва эътибор билан қараган. Шунинг учун ҳам дoston таржимаси ва талқинида бирон-бир хато ва камчиликлар бутунлай ўтмаган. Дostonнинг асл матнидаги шеърий ўлчов: ҳекзаметр (олти стопли дактиль) сақлаб қолинган.

ХУЛОСА

Н. И. Гнедич дostonнинг поэтик хусусиятлари, тили Ҳомерга хос баён услубини ўз оддийлигича, ўз кучи ва салмоғи билан сақлаб қолишга интилган. Ўз таржимасида Ҳомер услубининг худди шу сифатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ҳолда, у архаизмларни ишлатган ва асарнинг умумий кўтаринки қадимий оҳангини эски сўзлар воситасида қайта тиклашга интилган. Унинг таржимон сифатидаги меҳнатининг кўлами, эски славян ва русча сўзлардан кенг фойдаланганлиги шу билан изоҳланади”. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда “Илиада”нинг рус тилида қатор – қатор таржималари бўлса-да, Н.И.Гнедич томонидан қилинган ушбу таржима кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлиб келаётир.

Шунинг учун ҳам, моҳир ўзбек таржимони Қодир Мирмуҳамедов дostonнинг ушбу таржимасини асос учун олганлиги бежиз эмас. Шунини ҳам айтиш керакки, Қодир мирмуҳамедов бадий таржима соҳасида баракали ижод қилган, таржимани чинакам санъат деб билган, таланти, қобилиятини шу йўлга сарфлаган, яхши натижаларга эришган адиблардан бири ҳисобланади. “Илиада” таржимасига қўл уришдан олдин у кўплаб насрий, шеърий ва драматик асарларни маҳорат билан ўзбек тилига ўгириб, малака ва тажриба ҳосил қилди.

Унинг таржималари орасида жаҳон адабиётининг дурдонасига айланган Ж. Боккаччонинг “Декамерон” номли асари, Л.Толстойнинг “Ёшлик” автобиографик повести, В.Гюгонинг “Бюг Жаргаль”, Ж. Лондоннинг “Мартин Иден”, Р. Тагорнинг “Хонадон ва жаҳон”, “Сўнги дoston” романлари, М. Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти” номли эпопеяси, шунингдек Т. Шевченко, К.Чапек, М. Шолохов, М. Булгаков сингари атоқли ёзувчиларнинг асарлари бор.

Қ. Мирмуҳамедов таржимасида сахналаштирилган драмаларнинг ўзи ўндан ортиқ, у таржима қилган киносценарийларнинг сони эса бир юз элликка етади. Бундан ташқари, Қодир Мирмуҳамедов томонидан таржима қилинган “Эзоп масаллари тўплами” антик даврга тааллуқли бўлган асарлар таржимасининг янги бир шодаси десак бўлади.

REFERENCES

1. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 171- бет.
2. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.10-песня, стихи:173-174; Примечание: стр. 404.
3. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.17-песня, стих:32; Примечание: стр. 407.
4. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 284- бет.
5. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.17-песня, стих:514; Примечание: стр. 407.
6. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 296-бет.
7. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.22-песня, стих:126; Примечание: стр. 409.
8. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 357-бет.
9. Ўша китоб. Стр.188.
10. Ўша китоб: 199-бет.
11. Ўша китоб. Стр.321.
12. Ўша китоб: 332-бет.
13. <https://moluch.ru/conf/phil/archive/258/13431/>
14. Опарина Е. О. Ш. Балли // Европейские лингвисты XX в.: Сб. обзоров. М., 2001.
15. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960. Стр.6.